

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 29.08.2017.В.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

СИРОЖИДИНОВ БЕҲЗОД АРАБДЖОНОВИЧ

**АВСТРАЛИЯ ВА ҲИНДИ-ХИТОЙ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ
ФИЛОГЕНЕТИК МУНОСАБАТЛАРИ**

03.00.09 - Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on biological sciences**

Сирожидинов Бехзод Арабджонович

Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турларининг филогенетик муноса-
батлари 5

Сирожидинов Бехзод Арабджонович

Филогенетические взаимоотношения австралийских и индокитайских
видов хлопчатника 19

Sirojiddinov Bekhzod Arabdjonovich

Phylogenetic interrelations of the Australian and Indochinense cotton spe-
cies 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 29.08.2017.В.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

СИРОЖИДИНОВ БЕҲЗОД АРАБДЖОНОВИЧ

**АВСТРАЛИЯ ВА ҲИНДИ-ХИТОЙ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ
ФИЛОГЕНЕТИК МУНОСАБАТЛАРИ**

03.00.09 - Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/В34 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.genetika.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Абдумавлян
биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Жамолхон Ходжахонович
биология фанлари доктори

Мамарўзиев Абдуқаюм Абдумаблон ўғли
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Андижон қишлоқ хўжалик институти

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.В.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr@academy.uz.)

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к-х.ф.д.

С.М. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.Ф. Абзалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган ғўза (*Gossypium* L.) экинни турли стресс омилларга, касалликларга ва зараркунандаларга генетик жиҳатидан чидамли бўлган бошланғич манбалар ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг ёввойи аجدодларидан фойдаланиш ҳисобига маданий экинларнинг қимматли хўжалик белгилари генетик имконияти самарадорлигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахтачилик истиқболи учун устивор йўналишларни кенгайтириш ҳамда дунёда рақобатбардош ва тола сифати юқори бўлган маҳсулдор ғўза навларини яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аграр ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбир асосида пахтачиликнинг генетика ва селекция жараёнларини жадаллаштириш, генетик жиҳатдан яқин бўлган ғўза навларини селекция жараёнларига тадбиқ қилиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Шу билан биргаликда, ёввойи Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турлари ва улар дурагайларини селекция жараёнларига жалб этган ҳолда абиотик ва биотик омилларга чидамли бўлган навларни яратиш ҳамда улардан ишлаб чиқаришда фойдаланишга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида¹ «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турларининг филогенетик муносабатларини ва морфобиологик хусусиятларини аниқлаш, уларнинг дурагайларидан фойдаланиш асосида янги навлар яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳондаги ғўза генофонди асосида *Gossypium* L. туркуми филогенияси, қимматли белгиларига эга тур ва шаклларини аниқлаш, уларни генетика ва селекция тадқиқотларида қўллаш, туричи ва турлараро дурагайлашда қимматли белгиларнинг наслланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини илмий асослаш долзарб муаммолардан биридир. Айниқса, турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш асосида ғўза генофондини ўзида ноёб белгиларни мужассамлантирган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлган ҳамда турли хил муҳит шароитларга тез мослаша оладиган шакллар билан бойитиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўринда, Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турлари ($2n = 26$) ўзида қимматли белги ва хусусиятларга эга бўлиб, чигит таркибида госсипол безларининг кам бўлиши, зараркунанда ҳашаротлар (*Aphis gossypii*, *Apolygus lucorum*), турли касалликлар (*Verticillium dahliae*, *Fusarium oxysporum*), паст харорат ва бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

стресс омилларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турларининг филогенетик муносабатларини аниқлаш, улардаги фойдали белгиларини етиштирилаётган маданий *G.hirsutum* L. тури ($2n = 52$) геномига ўтказиш, бардошлилиги ва қимматли хўжалик белгилари уйғунлашган интрогрессив рекомбинантларни яратиш, морфобиологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон «Селекция ютуқлари тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Gossypium* L. туркумида турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш асосида қимматли хўжалик белгиларига эга, қишлоқ хўжалик касаллик ва зараркунандаларга чидамли донорлар олиш бўйича изланишлар хорижий олимлар N.L.Innes (1992), Q.Liu & al. (2015), S.S.Mehetre (1993), Yu Chen & al. (2014), L.Zhang & al. (2010), J.M.Stewart (1995), M.A.Stanton & al. (1992), Z.Y.Ma & al. (1998), J.Luo & al. (2012), B.T.Campbell & al. (2010), H.Benbouza & al. (2010), A.S.Ansingkar, & al. (2004) ишларида кўришимиз мумкин. Шунингдек, МДХ мамлакатларида Г.С.Зайцев, С.С.Канаш, Ф.М.Мауер, Л.Г.Арутюнова, А.Абдуллаев, Г.И.Кульбаева, П.Валичек, Н.Г.Симонгулян С.М.Ризаева, О.Коланов Х.Бабамуратов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан *Gossypium* L. туркуми турларини баҳолаш, ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик таъсирларига чидамли бўлган ноёб дурагай шаклларни яратиш ҳамда ғўза генофондини янги генотиплар билан бойитиш орқали генетик имкониятини янада кенгайтириш ва селекция ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, самарали натижаларга эришилган.

Мамлакатимизда Австралия ғўза турларини генетик қариндошлик даражаси З.А.Эрназарова (1998), ғўза турлари кариоструктураси М.Б.Ахмедов (1993), *G.arboreum* L. турининг туричи хилма-хилликларининг ўзаро филогенетик муносабатлари З.Б.Қурязов (2002), Х.А.Мўминов ва бошқалар (2008), хромасоманинг тўлиқ морфометрик белгилари ва қиёсий поликариограммаси М.М.Жумашев (1996) томонидан олиб борилган изланишларида ёритилган. Таъкидлаш лозимки, Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг

ўзаро филогенетик муносабатлари ва уларни амалий селекция жараёнига жалб этиш масалалари ўрганилмаган. Шу муносабат билан, Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг ўзаро филогенетик муносабатлари аниқлаш, дурагайлар олиш имкониятларини излаш, турлараро дурагайлаш асосида янги генотипларга эга бўлган дурагай шаклларни гексаплоид даражасига кўтариш, турли геномли гексаплоид ($2n = 78$) дурагайларининг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва трансгрессив ўзгарувчанлигини ўрганиш ва қимматли манбалар ажратиб олиш борасидаги комплекс изланишларни олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т024 «*Gossypium* L. туркумининг полиморф турларининг туричи ва турлараро биохилма-хилликларининг филогенетик қариндошлик даражаси» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг ўзаро филогенетик муносабатларини аниқлаш, турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш асосида қимматли манбалар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг ўзаро филогенетик муносабатлари аниқлаш, морфобиологияси ўрганиш ва дурагайлар олиш имкониятларини излаш;

диплоид ($2n = 26$) ғўза турларининг F_1 дурагайларининг морфобиологик хусусиятларини ўрганиш;

турлараро дурагайлаш асосида янги генотипларга эга бўлган дурагай шаклларни гексаплоид даражасига кўтариш;

турли геномли гексаплоид ($2n = 78$) дурагайларининг морфобиологик белгиларини ўрганиш;

турли геномли гексаплоид ($2n = 78$) ғўза дурагайларининг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва трансгрессив ўзгарувчанлигини ўрганиш ва қимматли манбалар ажратиб олиш.

Тадқиқотнинг объекти Австралия ёввойи диплоид ғўза турлари: *G.sturtianum* Willis var. *sturtianum*; *G.sturtianum* var. *nandewarensis* (Der.) Fryx.; *G.australe* F.Muell.; *G.nelsonii* Fryx.; *G.bickii* Prokh.; Ҳинди-Хитой ғўзаси-*G.arboreum* L. диплоид турининг туричи хилма-хилликлари: ssp. *obtusifolium* (Roxb.) Mauer; ssp. *obtusifolium* var. *indicum*; ssp. *perenne* (Blanco) Mauer; ssp. *neglectum* (Tod.) f. *sanguineum*; ssp. *nanking* (новвотранг толали); ssp. *nanking* (оқ толали) ҳамда тетраплоид *G.hirsutum* ssp. *euhirsutum* («Наманган 77» ва «Келажак» навлари) кенжа турларидан фойданалган.

Тадқиқотнинг предмети турли геномли турлараро диплоид турларининг морфобиологик хусусиятлари, гексаплоид дурагайларнинг морфобио-

логик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, турлараро дурагайлаш, цитоэмбриология, қиёсий морфология, экспериментал полиплоидия, генетик-селекцион статистика таҳлилининг замонавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг ўзаро филогенетик муносабатлари аниқланган;

Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг турлараро дурагайлаш, цитоэмбриологик, қиёсий морфология услубларидан фойдаланиш асосида янги филогенетик тизим яратилган ва уларнинг систематик ўрнига аниқлик киритилган;

янги генотипларга эга бўлган дурагай шаклларни гексаплоид даражасига кўтариб, улардан генетик-селекцион изланишларда самарали фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

илк бор *G.hirsutum* ssp. *eu-hirsutum* (Наманган 77) x (ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x *G.australe*), *G.hirsutum* ssp. *eu-hirsutum* (Келажак) x (ssp. *nanking* (оқ толали) x *G.nelsonii*) интрогрессив дурагай шаклларнинг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик характери очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг янги филогенетик тизими бўйича олинган натижалар *Gossypium* L. туркуми полиплоид турларининг мавжуд замонавий табиий классификациясини такомиллаштириш, полиплоид турларининг биологик хусусиятлари ва селекциявий потенциални баҳолаш ҳамда ғўзанинг маданий турлари ёввойи аждодларининг генетик имкониятларидан рационал ва самарали фойдаланиш, интрогрессив дурагай шаклларнинг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик характери аниқлаш фаолиятларида қўлланилган;

тадқиқот доирасида ажратиб олинган қимматли дурагайлар ғўзанинг ноёб полигеном шакллари янги навларини яратиш ва мавжуд навларни хўжалик белгиларини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган генетика-селекция дастурларида фойдали белгилар манбаи сифатида фойдаланилган;

тадқиқот натижалари асосида турли геномли (A, C, G) ғўза турларининг систематик ўрни ва филогенетик қариндошлик даражасини аниқлашда хизмат қиладиган «Турли геномли (A, C, G) ғўза турларининг филогенетик муносабатлари» электрон маълумотлар базаси учун муаллифлик гувоҳномаси олинган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2017 йил 1 мартдаги № DGU-04271-сон гувоҳномаси).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда классик ва замонавий услублар ҳамда назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ва етакчи илмий нашрларда чоп

этилганлиги, олинган маълумотлар замонавий генетик-селекцион статистик таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг ўзаро филогенетик муносабатлари аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда тадқиқ этилганлиги, изланиш натижаларининг комплекс таҳлил қилинганлиги, морфобиологик ва хўжалик томонидан баҳоланганлиги, ғўза турларининг янги филогенетик тизими тузилганлиги ва уларнинг систематик ўрнига аниқлик киритилганлиги, янги генотипларга эга бўлган дурагай шакллари гексаплоид даражасига кўтариш имкониятлари аниқланганлиги, интрогрессив дурагай шакллари белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик характери очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республика пахтачилигини муваффақиятли ривожланишининг амалий масалалари ва вазифаларини ҳал этишда бир-биридан узоқ бўлган ғўза турларини турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услублари асосида олинган ноёб интрогрессив дурагай рекомбинантларни генетика-селекция изланишларда дастлабки манба сифатида фойдаланиш мумкинлигини амалий исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг ўзаро филогенетик муносабатларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турларининг филогенетик муносабатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар СААС-013816717X рақамли «Қурғоқ ерларда абиотик стресс омилларга чидамли навлар яратиш» мавзусидаги лойиҳасида интрогрессив дурагай шаклларининг абиотик стресс омилларига чидамлилигини баҳолашда фойдаланилган (Хитой Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг 2017 йил 9 октябрдаги маълумотномаси). Илмий натижалар *G.hirsutum* ssp. *euhirsutum* (Наманган-77) x (ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x *G.australe*), *G.hirsutum* ssp. *euhirsutum* (Келажак) x (ssp. *nanking* (оқ толали) x *G.nelsonii*) интрогрессив дурагай шаклларнинг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва стресс шароитларда ўзгарувчанлик характерини аниқлаш имконини берган;

ғўзанинг ноёб интрогрессив шакллари ФА-А8-Т017 рақамли «Ғўза генотипининг диплоид ва тетраплоид турларига оид дунёвий хилма-хилликлари орасидан турли услублар қўллаш асосида қимматли намуналар ажратиб олиш, баҳолаш, селекциявий жараёни жадаллаштириш» мавзусидаги лойиҳасида ғўза турларининг морфо-хўжалик белгиларини баҳолаш ва донорлик хусусиятларини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2017 йил 29 сентябрдаги 4/1255-1984-сон маълумотномаси). Илмий натижалар *Gossypium* L. туркуми диплоид ва тетраплоид турларининг биологик хусусиятлари ва селекциявий потенциалини баҳолаш ҳамда ғўзанинг маданий турлари ёввойи аجدодларининг генетик имкониятларидан фойдаланиш имконини берган;

Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг турлараро янги филогенетик тизим ҳамда дурагайлаш асосида олинган полигеном шакллари республикада етакчи бўлган «Ғўза генофонди» ноёб объектига киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2017 йил 18 октябрдаги № 4/1255-2196-сон маълумотномаси). Ушбу дурагай намуналар ғўза коллекцияси фондини бойитиш, турли геномли (A, C, G) ғўза турларининг филогенетик муносабатлари бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турларининг эволюция жараёнини ўрганиш шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида республика ва хориж олимлари томонидан *Gossypium* L. туркуми турларининг эволюция жараёнини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Айниқса, Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг эволюция жараёнини ўрганиш тарихи тўғрисидаги маълумотлар таҳлилига алоҳида эътибор қилинган. Ғўза генетикаси ва амалий селекцияси соҳасида олиб борилган тадқиқот натижалари, шунингдек, қимматли хўжалик белгилар ва қишлоқ хўжалик касаллик ва зараркунандалар ҳамда ташқи муҳитнинг турли омилларга чидамлилиқ хусусиятлар мажмуига эга янги генотипларни яратиш жараёнида турлараро дурагайлаш, экспериментал полиплоидия услубларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ва самарадорлиги масалалари очиқ берилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали, тажриба ўтказиш жойи ва шароитлари, изланишларда фойдаланган ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, турлараро дурагайлаш, цитоэмбриология, қиёсий морфология, экспериментал полиплоидия, генетик-селекцион статистика таҳлили услублари тўғрисида қисқача баён қилинган.

Диссертациянинг «Бошланғич манбалар ва турли геномли (A, C, G) ғўза турларининг F₀ ва F₁ дурагайларининг морфобиологик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида Австралия ва Ҳинди-Хитой (*G.arboreum* L.) ғўза турларининг турлараро дурагайлаш, цитоэмбриологик ва қиёсий морфология услубларидан фойдаланиш асосида уларнинг систематик ўрни, филогенетик қариндошлик даражаси, морфобиологиясини ўрганиш натижалари, қимматли-хўжалик белгиларига эга бўлган янги шакллар олиш ва уларнинг дурагайланиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Бобнинг биринчи бўлимида Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг турлараро F₀ дурагайларида кўсак ва уруғ тугилиш даражаси таҳлил натижалари келтирилган. Ўрганилган ғўза турларининг асосий қисми бир-бири билан ўзаро қийин дурагайланиш ҳолати кузатилиб, уларнинг филогенетик жиҳатдан нисбий узоқ эканлигини аниқланди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, *G.arboreum* ssp. *nanking* кенжа турининг оқ толали шаклини оналик шакли сифатида дурагайлаш учун фойдаланилганда *G.nelsonii* ёввойи тури билан нисбий равишда яқин эканлиги қайд этилди.

Бобнинг иккинчи бўлимида Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг F₁ дурагайларида маҳсулдорлик кўрсаткичларининг таҳлили баён этилган. Диплоид ғўза турларининг турлараро дурагайланишда миқдорий белгиларнинг ирсийланиши турли хил генетик ва эволюцион асосга эга бўлган турларнинг хромосомалари ва генларининг ўзаро мос келишига боғлиқдир. Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турларини турлараро дурагайлаш асосида олинган F₁ ssp. *obtusifolium* x var. *nandewarense*, ssp. *nanking* (оқ толали) x *G.australe*, ssp. *nanking* (оқ толали) x *G.nelsonii*, ssp. *nanking* (оқ толали) x *G.bickii*, ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x *G.australe*, ssp. *nanking* (новвогранг толали) x *G.australe* дурагай комбинацияларида битта кўсакдаги тўлик уруғлар тугилиш даражаси юқори (96,5-97,7%) бўлганлиги аниқланди. *G.australe* тури оналик сифатида ssp. *obtusifolium*, ssp. *obtusifolium* var. *indicum*, ssp. *nanking* (оқ толали) кенжа турлари билан нисбатан филогенетик жиҳатдан узоқлиги ва F₁ дурагайларида ярим пуштсизлик намоён бўлиши қайд этилди. F₁ ssp. *obtusifolium* x *G.australe*, ssp. *obtusifolium* x *G.bickii*, ssp. *perenne* x *G.nelsonii*, *G.australe* x ssp. *neglectum* f. *sanguineum* дурагай комбинациялари стерил (бепушт) бўлиб, уларда умуман кўсак тугилиши қайд этилмади. Стериллик кўп ҳолларда, айрим бир мутация ҳолати билан эмас, балки бутун бир генотипларнинг уйғун бўлмаган комбинация номутаносиблиги билан белгиланиб, аксарият ҳолларда бепуштликка олиб келади. Бошқа ҳолларда стериллик мавжуд йирик структуравий фарқлар, айнан транслокация ёки жуда мураккаб инверсиялар натижасида хромосомаларнинг номута-

носиблиги билан белгиланади (Шмальгаузен, 1968).

Бобнинг учинчи бўлимида турли геномли (А, С, G) ғўза турларининг турлараро F₁ дурагайларида цитоэмбриологик кўрсаткичлари таҳлилига бағишланган. F₁ *G.australe* x ssp. *obtusifolium* var. *indicum*, *G.nelsonii* x ssp. *perenne* дурагайлари гулидаги чангдонлар сони ва битта чангдондаги чанг доналари сони бўйича аҳамиятли фарқ мавжуд эмаслиги қайд этилди. F₁ дурагайларида гулдаги чанг доначаларининг ҳаётчанлиги кўрсаткичлари бўйича кенг доирадаги ўзгарувчанликни (0,0-98,5%) намоён этди (1-жадвал).

1-жадвал


F₁ дурагайлари ва ота-она шаклларида цитоэмбриологик кўрсаткичлари

Ота-она шакллари ва дурагай комбинациялар	Цитоэмбриологик кўрсаткичлар		
	Чангдонлар сони, дона	Чанг доначалари сони, дона	Чанг ҳаётчанлиги, %
Ота-она шакллари			
<i>ssp. obtusifolium</i>	77,0 ± 2,4	235,7 ± 5,6	95,0 ± 1,5
<i>ssp. obtusifolium</i> var. <i>indicum</i>	101,8 ± 3,1	273,7 ± 6,1	95,4 ± 1,6
<i>ssp. perenne</i>	77,3 ± 1,9	271,4 ± 7,1	91,8 ± 2,7
<i>ssp. neglectum</i> f. <i>sanguineum</i>	63,5 ± 2,2	233,2 ± 11,3	95,3 ± 1,7
<i>ssp. nanking</i> (новвогранг толали)	30,3 ± 0,8	212,4 ± 13,5	94,8 ± 1,7
<i>ssp. nanking</i> (оқ толали)	33,8 ± 0,8	206,5 ± 10,4	93,7 ± 1,8
<i>G.sturtianum</i> var. <i>sturtianum</i>	150,2 ± 3,7	260,3 ± 4,0	98,1 ± 1,1
<i>G.sturtianum</i> var. <i>nandewareense</i>	177,6 ± 4,3	263,1 ± 4,6	98,6 ± 1,0
<i>G.australe</i>	138,5 ± 3,9	228,9 ± 6,3	96,2 ± 1,6
<i>G.nelsonii</i>	129,1 ± 5,5	230,4 ± 5,7	97,1 ± 1,2
<i>G.bickii</i>	107,8 ± 3,3	214,1 ± 5,6	95,8 ± 1,6
F₁ дурагайлари			
<i>ssp. obtusifolium</i> x <i>G.sturtianum</i> var. <i>nandewareense</i>	69,8 ± 0,8	147,9 ± 2,5	94,2 ± 1,8
<i>ssp. obtusifolium</i> x <i>G.australe</i>	17,4 ± 0,9	132,7 ± 0,8	0
<i>G.australe</i> x <i>ssp. obtusifolium</i>	111,5 ± 2,5	154,4 ± 1,1	96,3 ± 1,5
<i>ssp. obtusifolium</i> x <i>G.bickii</i>	50,1 ± 1,1	99,5 ± 1,1	0
<i>ssp. obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x <i>G.sturtianum</i> var. <i>sturtianum</i>	54,6 ± 2,3	134,0 ± 1,9	88,7 ± 1,5
<i>ssp. obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x <i>G.australe</i>	77,6 ± 3,4	123,5 ± 0,7	96,5 ± 1,5
<i>G.australe</i> x <i>ssp. obtusifolium</i> var. <i>indicum</i>	77,8 ± 1,4	79,3 ± 1,0	72,7 ± 1,5
<i>ssp. perenne</i> x <i>G.nelsonii</i>	45,1 ± 1,6	113,8 ± 0,9	0
<i>G.nelsonii</i> x <i>ssp. perenne</i>	80,3 ± 1,5	85,5 ± 1,0	92,4 ± 1,7
<i>ssp. neglectum</i> f. <i>sanguineum</i> x <i>G.sturtianum</i> var. <i>nandewareense</i>	20,7 ± 1,2	97,8 ± 3,2	77,1 ± 2,0
<i>G.australe</i> x <i>ssp. neglectum</i> f. <i>sanguineum</i>	65,8 ± 1,5	188,8 ± 1,1	0
<i>ssp. neglectum</i> f. <i>sanguineum</i> x <i>G.australe</i>	36,4 ± 1,1	123,0 ± 0,7	72,7 ± 1,7
<i>ssp. nanking</i> (новвогранг) x <i>G.sturtianum</i> var. <i>sturtianum</i>	28,1 ± 1,2	126,5 ± 1,6	94,4 ± 1,9

<i>ssp. nanking</i> (новвотранг) x <i>G.australe</i>	37,6 ± 1,9	154,1 ± 1,0	98,5 ± 1,0
<i>G.australe</i> x <i>ssp. nanking</i> (новвотранг)	15,9 ± 0,6	131,6 ± 0,9	93,4 ± 2,1
<i>ssp. nanking</i> (новвотранг) x <i>G.nelsonii</i>	36,7 ± 3,3	134,6 ± 0,7	97,7 ± 1,3
<i>G.nelsonii</i> x <i>ssp. nanking</i> (новвотранг)	72,5 ± 1,7	113,5 ± 0,8	93,8 ± 1,6
<i>ssp. nanking</i> (оқ толали) x <i>G.australe</i>	22,1 ± 1,1	133,1 ± 0,7	96,1 ± 1,6
<i>G.australe</i> x <i>ssp. nanking</i> (оқ толали)	78,3 ± 1,8	73,1 ± 2,0	67,5 ± 1,4
<i>ssp. nanking</i> (оқ толали) x <i>G.nelsonii</i>	40,3 ± 3,4	164,6 ± 0,9	93,5 ± 1,5
<i>ssp. nanking</i> (оқ толали) x <i>G.bickii</i>	39,8 ± 1,2	125,2 ± 1,1	97,4 ± 1,3

Чанг доначалари ҳаётчанлиги белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич F_1 *ssp. nanking* (новвотранг толали) x *G.australe* дурагай комбинациясида (98,5%) кузатилди. F_1 *ssp. obtusifolium* x *G.australe*, *ssp. obtusifolium* x *G.bickii*, *ssp. perenne* x *G.nelsonii*, *G.australe* x *ssp. neglectum* f. *sanguineum*, дурагай комбинацияларида эса чанг доначалари ҳаётчанлиги кўрсаткичлари 0,0%ни ташкил этиб, уларни бепушт эканлигини белгилайди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг филогенетик жиҳатдан узоқ эканлигини белгилайди.

Изланишларимизнинг F_0 ва F_1 дурагайларида гибридолик ва цитоэмбриологик таҳлиллари асосида ўрганилган диплоид турларини филогенетик қариндошлик жиҳатидан 3 гуруҳга бўлинди (1-расм).




1-расм. Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг филогенетик қариндошлик гуруҳлари

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти-нинг Ғўза систематикаси ва интродукцияси лабораторияси томонидан ғўза турларининг филогенетик қариндошлиги гуруҳларининг генетик потенциали борасида олиб борилган тадқиқот ишлари тасдиқланди.

Бобнинг тўртинчи бўлимида турли геномли (A, C, G) ғўза турларининг турлараро дурагайлаш асосида олинган F_1 дурагайларини генетик таҳлили баён этилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, морфобиологик белгиларнинг намоён бўлишида асосан оралиқ ҳолатда ирсийланиши кузатилад экан. Баъзи ҳолларда олинган дурагайларда морфобиологик белгилари бўйича ота-она шаклларида бирининг белгиларига, кўпинча оналик шакли сифа-

тида иштирок этган ўсимлик белгиларига яқинроқ бўлди. Бу ўз навбатида, экологик-географик жиҳатидан бир-биридан узоқ бўлган ғўза турларининг эволюцион жараёнида наслий белгиларни мужассам этган организмларни ўрни цитоплазмаси орқали бориш даражаси қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, F₁ дурагайларида ўз ота-она шаклларида хос бўлмаган ҳолатлар қайд этилди, жумладан: 1) гулининг ранги, ҳажми, оналик устунчаси (*гинецей*), антоциан доғининг интенсивлиги (кучли ёки кучсиз); 2) баргининг шакли, ранги, ўлчами, тукланиш даражаси, шира чиқарувчи безлари; 3) ўсимлик бўйи, биринчи ҳосил шохигача бўлган бўғинлар сони, тукланиш ва антоциан қизариши даражаси, шохланиш тури. F₁ *G.nelsonii* x *ssp. obtusifolium*, var. *sturtianum* x *ssp. obtusifolium* var. *indicum*, *ssp. obtusifolium* var. *indicum* x var. *nandewarensis*, *ssp. obtusifolium* var. *indicum* x *G.nelsonii*, *obtusifolium* var. *indicum* x *G.bickii*, *G.bickii* x *ssp. obtusifolium* var. *indicum*, *ssp. perenne* x *G.bickii*, *G.bickii* x *ssp. perenne*, var. *sturtianum* x *ssp. neglectum* f. *sanguineum*, *ssp. neglectum* f. *sanguineum* x *G.nelsonii*, *ssp. neglectum* f. *sanguineum* x *G.bickii*, var. *nandewarensis* x *ssp. nanking* (новвотранг толали), *ssp. nanking* (новвотранг толали) x *G.bickii*, *G.bickii* x *ssp. nanking* (новвотранг толали), var. *nandewarensis* x *ssp. nanking* (оқ толали), *G.nelsonii* x *ssp. nanking* (оқ толали) дурагай комбинацияларида ривожланиш даврининг бошланғич босқичида ўсимликларнинг нобуд бўлиши қайд этилди.

Тадқиқотлар натижасида Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг турлараро дурагайлаш, цитозембриологик, қиёсий морфология таҳлиллари асосида янги филогенетик тизим ишлаб чиқилди ҳамда уларнинг систематик ўрнига аниқлик киритилди (2- расм).




2-расм. Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турларининг филогенетик тизими (схемаси)

Диссертациянинг «Ғўзанинг турли геномли гексаплоид ($2n = 78$) дурагайларида морфобиологик тадқиқотлар» деб номланган тўртинчи боби-


да экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш асосида ўзида бир неча турлар генотипини мужассамлаштирган янги интрогрессив дурагай шаклларни гексаплоид даражасига кўтариш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлими турли геномли гексаплоид ($2n = 78$) дурагайлариининг морфобиологик тавсифи натижаларига бағишланган.

Турли хромосомага эга бўлган диплоид ($2n = 26$) ва тетраплоид ($2n = 52$) ғўза турларнинг турлараро дурагайлаш асосида олинган дурагайларнинг экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш орқали янги турли геномли ярим фертил (хаётчан) F_1C гексаплоид ($2n = 78$) шакллар олишга эришилди (3-4-расм).



3-расм. F_1C *G.hirsutum* ssp. *euhirsutum* (Наманган 77) x (*ssp. obtusifolium* var. *indicum* x *G.australe*)



4-расм. F_1C *G.hirsutum* ssp. *euhirsutum* (Келажак) x (*ssp. nanking* (оқ толали) x *G.nelsonii*)

Гексаплоид дурагайларда ўсимликнинг суст ва ғайритабiiй ўсиши колхицин моддасининг таъсир этганлигини намоён этади. Морфобиологик белгилар (кўсак шакли ва ранги, чигит хажми) ва қатор микдорий белгиларнинг ирсийланиши оралиқ ҳолатида намоён бўлиши аниқланди.

Бобнинг иккинчи бўлимида турли геномли F_1C ва F_2C гексаплоид ($2n = 78$) дурагайларида маҳсулдорлик кўрсаткичларининг таҳлили баён этилган. Экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш асосида яратилган полигеномли F_1C ва F_2C дурагайларининг маҳсулдорлик белгилари, жумладан бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони ва кўсакдаги тўлиқ уруғлар тугилиши фoизининг ортиши аниқланди.

Диссертациянинг «**Ғўзанинги турли геномли гексаплоид ($2n = 78$) дурагайларида морфобиологик белгиларининг ирсийланиши**» деб номланган бешинчи бобида турли геномли гексаплоид ($2n = 78$) ғўза дурагайларида морфобиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиш ва трансгрессив ўзгарувчанлик даражаларининг таҳлилига бағишланган.

Бобнинг биринчи бўлимида турли геномли гексаплоид ($2n = 78$) дурагайларида гултожибарг антоциан доғи белгисининг қиёсий таҳлили баён этилган. Гултожибарг асосидаги антоциан доғи ғўза ўсимликларининг асосий

морфологик маркер белгиларидан бири ҳисобланиб, бу белги F₁C [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*)] дурагай комбинациясида *G.hirsutum ssp. euhirsutum* («Келажак» нави) каби ирсийланиши қайд этилди. Бу дурагайларда белгининг элиминация ҳолатининг кузатилиши уларнинг организмларида мутацион ўзгаришлар оқибатида бўлганлигидан далолат беради. F₂C [Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*)] дурагай комбинациясида гултожибарг антоциан доғи белгиси ирсийланиши 15:1 ($X^2 = 1,66, 0,20 > P$) нисбат тенгликда қайд этилиши аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Турли геномли гексаплоид (2n = 78) дурагай ўсимликларида гултожибарг антоциан доғининг ирсийланиши

Дурагай комбинациялар	Таҳлил қилинган ўсимликла сони, дона	Ўсимлик сони				Нис бат	X ²	P
		антоциан доғи йўқ		антоциан доғи бор				
		дона	%	дона	%			
Тетраплоид (2n=52) шакллар								
«Келажак» нави	5	5	100,0	-	-	1:0	-	-
Диплоид (2n=26) шакллар								
F ₁ <i>ssp. nanking</i> (оқ толали) х <i>G.nelsonii</i>	5	-	-	5	100,0	1:0	-	-
F₁C гексаплоид (2n=78) дурагайлар								
Келажак х (<i>ssp. nanking</i> (оқ толали) х <i>G.nelsonii</i>)	2	2	100,0	-	-	1:0	-	-
F₂C гексаплоид (2n=78) дурагайлар								
Келажак х (<i>ssp. nanking</i> (оқ толали) х <i>G.nelsonii</i>)	159	153	96,2	6	3,8	15:1	1,66	0,20

Бобнинг иккинчи бўлимида ғўзанинг энг муҳим қимматли хўжалик белгиларидан бири бўлган битта кўсакдаги пахта вазнининг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик даражаси таҳлиллари келтирилган. F₁C гексаплоид дурагайларида битта кўсакдаги пахта вазни 4,7-5,4 грамни ташкил этди. F₂C дурагай комбинацияларида битта кўсакдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичлари F₁C авлод дурагайларига нисбатан ортиши кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

F₂C гексаплоид (2n = 78) дурагайларида битта кўсакдаги пахта вазни белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик кўлами

Дурагай комбинациялари	Ўсимлик сони ва фоизи, %	Синф n = 6						$\bar{x} \pm S\bar{x}$	min-max	V%	h ²
		2,8-3,8	3,9-4,9	5,0-6,0	6,1-7,1	7,2-8,2	8,3-8,8				
Наманган 77 х (<i>ssp. obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> х <i>G.australe</i>)	150	6	45	81	18	0	0	5,2 ± 0,23	3,5-6,6	13,7	0,15
	100	4,0	30,0	54,0	12,0	0,0	0,0				
Келажак х (<i>ssp. nanking</i> (оқ толали) х <i>G.nelsonii</i>)	159	6	19	60	58	15	1	5,9 ± 0,32	3,2-8,8	17,4	0,79
	100	3,8	11,9	37,7	36,5	9,4	0,6				

F₂C [Наманган 77 x (*ssp. obtusifolium var. indicum* x *G.australe*)] гексаплоид комбинациясида битта кўсақдаги пахта вазни белгисининг намоён бўлиши асосан ташқи муҳит (85%) таъсири остида ирсийланиши қайд этилиб, дурагай генотиби таъсири эса 15%ни ташкил этди. F₂C [Келажак x (*ssp. nanking* (оқ толали) x *G.nelsonii*)] дурагай комбинациясида эса аксинча ҳолат юз бериб, белгининг намоён бўлиши дурагай генотиби таъсирининг 79%, ташқи муҳит омиллари таъсирининг 21% ҳолатда рўй бериши аниқланди.

Экспериментал полиплоидия усулларидадан фойдаланиш асосида яратилган ғўзанинг турли геномли гексаплоид дурагайларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича танлов ишларини давом эттириш, уларнинг ирсиятини чуқурроқ ўрганиш асосида ўзида қимматли хўжалик белги ва хусусиятларни мужассам этган янги генотипларни ажратиб олиш ва уларни генетик-селекцион дастурларда кенг генетик асосга эга бўлган юқори маҳсулдор ва юқори сифатли янги навлар яратишда дастлабки манба сифатида самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

«Австралия ва Ҳинди-Хитой ғўза турларининг филогенетик муносабатлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг янги филогенетик тизими (схемаси) яратилди.

2. Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларининг филогенетик жиҳатдан бир-бирига нисбий равишда узоқ эканлигини аниқланди. *G.arboreum ssp. nanking* кенжа турининг оқ толали шаклини оналик шакли сифатида дурагайлаш учун фойдаланилганда *G.nelsonii* ёввойи тури билан нисбий равишда яқин эканлиги қайд этилди. Бу ўз навбатида, экологик-географик жиҳатидан бир-биридан узоқ бўлган ғўза турларининг эволюцион жараёнида наслий белгиларни мужассам этган организмларни ўрни цитоплазмаси орқали бориш даражаси қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

3. Австралия ва Ҳинди-Хитой диплоид ғўза турларини турлараро дурагайлаш, цитозембриологик, қиёсий морфология ва морфобиологик белгилари ирсийланишининг таҳлили асосида *G.arboreum* L. турининг ёввойи шакли *ssp. obtusifolium var. indicum* тур хили алоҳида *ssp. indicum* кенжа тури даражасига кўтарилди.

4. Геномлараро дурагайлаш асосида олинган янги сунъий мураккаб дурагай шакллар ўзининг кариоплазмасида ҳосилдорлик ҳамда ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик таъсирларига чидамлик потенциалини мужассамлаштирган бўлиб, янги интенсив типдаги ғўза навларини яратиш борасидаги генетик-селекцион дастурларда учун қимматли бошланғич манба сифатида хизмат қилади.

5. Биринчи мартаба *G.hirsutum ssp. euhirsutum* (Наманган 77) x (*ssp. obtusifolium var. indicum* x *G.australe*), *G.hirsutum ssp. euhirsutum* (Келажак) x (*ssp. nanking* (оқ толали) x *G.nelsonii*) турли геномли гексаплоид дурагайла-

рида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг кенг доирадаги ўзгарувчанликни намоён этиши аниқланди.

6. Турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш асосида олинган турли геномли интрогрессив дурагайларнинг ижобий трансгрессив ўзгарувчанлик доирасини ва қимматли хўжалик белгиларнинг генетик потенциалини янада кенгайтиришда ҳамда янги генотипларга эга ноёб дурагай шаклларни яратишда самарадорлиги тасдиқланди.

7. Турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш асосида олинган янги ноёб интрогрессив дурагай рекомбинантлар генетик-селекцион изланишларда дастлабки қимматли манба сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.29.08.2017.В.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИ-
МЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ, НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ
БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

СИРОЖИДИНОВ БЕХЗОД АРАБДЖОНОВИЧ

**ФИЛОГЕНЕТИЧЕСКИЕ ВЗАИМООТНОШЕНИЯ
АВТРАЛИЙСКИХ И ИНДОКИТАЙСКИХ
ВИДОВ ХЛОПЧАТНИКА**

03.00.09 – Общая генетика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.1.PhD/В34

Диссертация выполнена в Институте генетики и экспериментальной биологии растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Абдуллаев Абдумавлян
доктор биологических наук, академик

Официальные оппоненты:

Ахмедов Жамолхон Ходжахонович
доктор биологических наук

Мамарузиев Абдукаюм Абдумаблон угли
кандидат биологических наук

Ведущая организация:

Андижанский сельскохозяйственный институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений, Национальном университете Узбекистана (Адрес: 111226, Ташкент обл, Кибрайский р-н Юкори-юз, актовй зал Института Генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс: (+99871) 264-23-90; e-mail: igebr@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за № _____). Адрес: 111226, Ташкент обл, Кибрайский р-н Юкори-юз, ИГЭБР. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года
(протокол рассылки № _____ от «___» _____ 2017 года)

А.А. Нариманов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.-х.н.

С.М. Набиев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н., старший научный сотрудник.

М.Ф. Абзалов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире уделяется особое внимание на усовершенствование повышения эффективности генетического потенциала хозяйственно-ценных признаков культурных растений за счет использования диких сородичей сельскохозяйственных культур, а также генетически устойчивого к различным стрессовым факторам, болезням и вредителям первичного материала видовых растений хлопчатника (*Gossypium* L.), являющегося одной из основной отраслю сельского хозяйства. Одной из важных целей на сегодня является создание продуктивных сортов с конкурентоспособным волокном в мире, а также расширение приоритетных направлений для дальнейшего развития хлопководства.

С обретением независимости нашей страны в ходе ускорения развития сельского хозяйства и аграрного производства достигнуты существенные результаты. На основе проведенных мероприятий в данном направлении достигнуты важные результаты в области ускорения генетико-селекционных процессов в хлопководстве, вовлечение в селекционный процесс генетически близких сортов хлопчатника. Одновременно с этим, следует отметить, что не было уделено должное внимание в создании сортов устойчивых к биотическим и абиотическим факторам среды на основе вовлечения в селекционный процесс диких австралийских и индокитайских видов хлопчатника и их использовании в производстве. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи по «созданию новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых болезням и вредителям, приспособленных к местным почвенно-климатическим условиям». В этом отношении, в том числе важное значение имеет научные исследования направленные на создание новых сортов на основе установления филогенетических взаимоотношений и морфобиологических особенностей австралийский и индокитайских видов хлопчатника.

В настоящее время определение филогении рода *Gossypium* L., видов и форм с ценными признаками, использование их в генетико-селекционных исследованиях, научное обоснование закономерностей наследования и изменчивости ценных признаков в внутри- и межвидовых гибридизациях является одним из актуальных проблем. Особенно, обогащение мирового генофонда хлопчатника ценными формами, устойчивые к различным болезням и вредителям, а также быстро приспособляемыми к различным условиям среды на основе использования методов межвидовой гибридизации и экспериментальной полиплоидии имеет важное значение. Следует отметить, что Австралийские и Индокитайские ($2n = 26$) виды хлопчатника имеют ценные свойства, в том числе, они отличаются малым содержанием в семенах госсипола, что даёт возможность использовать их в качестве источника продовольствия для

¹ Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

человека и животных, а также устойчивостью к насекомым-вредителям (*Aphis gossypii* Glov., *Apolygus lucorum*), болезням (*Verticillium dahliae*, *Fusarium oxysporum*), временным низким температурам и различным стрессовым факторам. В связи с этим, создание и внедрение в практику интрогрессивных форм, гармонично считающих устойчивости с хозяйственно-ценными признаками путем передачи этих полезных признаков в геном культивируемого вида *G.hirsutum* L. ($2n = 52$) приобретает важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан «О селекционных достижениях» за № 395-II от 29 августа 2002 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годы» № ПП-2460 от 29 декабря 2015 года и Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

